

Авваллари республикамизда бироқта хусусий мактабнинг очилиши амалга ошмайдиган бир иш эди. У ҳатто капитализм иллоти, деб қораланиши ҳам мумкин эди. Энди эса бундай хабар ҳеч кимни ҳайратга солмади-ю, аммо билимга чанқоқ, дунёвий фанларни мукамал ўрганиш иштиёқиди болаларни жуда севинтирди. Ҳа, Наманганда хусусий мактаб — янги лицей очилди. Мазкур билим даргоҳида талабаларга асосан туркиялик мутахассислар сабоқ беришади. 17 нафар туркиялик муаллим ва тарбиячилар билан беи нафар наманганлик таълим-тарбия усталари ҳамкорликда лицей талабаларига дарс берадилар.

Наманганлик болалар ўзларида турк лицейи очилганидан жуда хурсандлар. Вилоят, шаҳар ҳокимлиги, Халқ таълими Бошқармалари, 1-вилоят жамоа-қурилиш трестига қарашли 130-кўча механизациялашган колонна қурувчилари лицейни ташкил этиш, унга ажратилган бинони тез ва сифатли таъмирлашга ҳаракат қилдилар.

Унга қабул қилиш ҳам янгича бўлди — тест синовлари ташкил этилди ва ундан муваффақиятли ўтган 106 нафар наманганлик иқтидорли ёшлар хусусий лицейнинг илк талабалари бўлиш бахтига муяссар бўлдилар. Ушбу лицей учун вилоят ҳокимлиги 5 миллион сўм маблағ ажратди. Наманган шаҳар ҳокимияти эса битта компьютер ва битта телевизор совға қилди.

Т. СУЛАЙМОНОВ,  
Наманган вилояти.

### ТУРКЧА БИЛИМ ОЛАМИЗ

Фарғона шаҳрида ҳам яқинда турк хусусий ўғил болалар лицейи иш бошлади. Бугунги кунда унда 8-синфни аълога битирган 100 нафар ўғил болалар таълим олишмоқда. Улар бошқа умумий фанлар қаторида турк ва инглиз тилларини мукамал ўрганадилар. Уларнинг ҳар томонлама тўлиқ билим олишлари учун ўқув даргоҳининг синф хоналари, ўқиш, дам олиш, ювиниш, даволаниш, овқатланиш хоналари туркча усулда жиҳозланди.

Лицейнинг очилиш кунини унда иштирок этган Халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев бу ерда таълим олажак болаларнинг хорижий мамлакатлар иқтисоди ва сиёсатини ўрганиб, илғор янгилликларни республикамизда қўллаш оладиган мутахассислар бўлиб етажакларига ишонч билдирди.

Ушбу янги билим даргоҳида таълим ола бошлаган иқтидорли ёшларга биз ҳам ишонч билдириб, оқ йўл тилаймиз.

Д. АБДУРАҲМОНОВ,  
Фарғона шаҳри.

### Республикамизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганига уч йил тўлди



"Тил билгани — эл билади", — дейди халқимиз. Ўзбек тили эса жуда ширали, жозибадор. Республикамизда ўзбек тилига давлат мақоми берилгач Навоий, Улуғбек, Нодира-ю Увайсийлар сўзлаган бу тилни ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Чунки, яқин келажакда жумҳуриятимиздаги барча ташкилот ва муассасаларда иш тўлиқ ўзбек тилида юритила бошлайди. Бунини тушунган бошқа миллат вакиллари бугун ўз фарзандларини ўзбек мактабларига ўқишга беришяпти.

Тошкент шаҳридаги 273-мактабда бу янги ўқув йилида ўзбек тилига ихтисослашган 1-лицей синфи ташкил этилди. Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган бу синфда ўзбек болалари билан биргаликда бошқа миллат вакиллари ҳам таълим олишмоқда. Муаллималарининг айтишларича, болалар тил ўрганишда унча қийналишмаяпти.

Суратда: 1-лицей синф ўқитувчиси Роҳия Жумагулова Руслан Лисенко билан ўқиш дарси машғулотида.

Р. АЛЪБЕКОВ суратга туширган.

Ёдингизда бўлса, газетанинг 1990 йил 24 март сониди ўғлим — Анвар Шомирзаев "Аълочилар доскаси"да сурати билан эълон қилинган эди. Аввало бу учун сизлардан ва уни тавсия этган мактаб директоридан миннатдорман. Лекин, бу нолиш куйидагиларга тегишли эмас, асло, гап бошқа томонда.

Ўтган йили ўғлим "Менинг биринчи китобчам" кўрик-танловида қатнашиб, туманда биринчи, вилоятда учинчи ўринни эгаллаб, жумҳурият танловида ҳам иштирок этишга рухсат олган эди. Ушанда унга "Артек"ка йўлланма беришди, хартуул, анча югурганимиз боисими ишқилиб, бориб дам олиб келди. Шу билан бирга Анварга

### «НАҲОТКИ, ШЕЪР ЁЗМАЙ ҚУЙСА?..»

биринчиликни олгани учун Фахрий ёрлик ва совға ҳам ваъда этишганди. Лекин...


Бир кун "Китобхон" жамиятига бориб ҳаммасини тушунтирдим. "Манзилгоҳингизни котиба қизга ташлаб кетинг, тезда почта орқали юборамиз" деди бошлиғи. Ҳўп, дедим айтганидек қилдим. Орадан 8-9 ой ўтди-ю, берилган ваъда ваъдалигича қолиб кетди. Майли, мен бунга нолиётганим йўқ, энг оғир ботаётган томони ўғлим шеър ёзишга қизиқмай қўйди, кўнгли совуди. "Нега изланишингда суфкашлик бор?" десам, "Нима фойдаси бор? Ахир есанларим барибир варақда қолиб кетмоқда-ку" дейди. Билмадим, бу ёғи нима бўлади? Наҳотки, ўғлим энди шеър ёзмай қўйса!?

Бурҳон ШОМИРЗАЕВ,  
Самарқанд вилояти, Пайарик тумани, Наримонов кўрғони.

### ТАҲРИРИЯТДАН:

"Энг қайғули қувонч-шонр бўлмоқ, Қолгани ҳисобмас..." деб ёзди Федерико Гарсиа Лорка. Ҳа, айнан шундай — шонр қайғулар ичида яшайди, у ҳеч кимга суюнмайди, суйқалмайди, ўзига алоҳида шаронглр талаб қилмай, яъни жамиятта боқим бўлиб яшанини, бефойда, натижасиз умр кечирини инкор этиб, мустақил равишда катта мақсадлар сари интилади.

"Наҳотки, ўғлим энди шеър ёзмай қўйса?" деб хавотирга тушайтган Бурҳон аканинг ташвишлари эса ноўрин. Чунки шеър ёзишга ишқи тушган қалбнинг бирдан арзимас сабаблар туфайли бу майдондан чиқиб кетиши мумкин эмас. Чунки шеър ёзиш дарди уни донмо руҳий юришга ундаб туради. Ва биз бунга ишонганимиз ҳолда Анваржондан янги-янги шеърлар кутамиз.



Темирчи бўлмоқчиман...

С. МАҲКАМОВ туширган сурат

### ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

"Тонг юлдузи"га 1993 йил учун обуна бўлсангиз, газетамиз ташкил қилган "Чапақайлар конкурси" (6 октябрь) ва "Ўзбекистон — Ватаним менинг" (20 октябрь) кўрик-экспедициясида голиб бўлишнинг биринчи шартини бажарган бўласиз.

Голиблар — болалар велосипеди, "Смена" фотоаппарати, осма соат ва Тошкентга уч кунлик бепул саяҳат йўлланмаси билан тақдирланадилар.

Эслатиб ўтамиз: обуна тугашига 5 кун қолди.

**Фурсатни бой берманг!**



Биз кўпинча фарзандларимизнинг одобсизлигидан ёки чор-ночорлигидан нолиймиз. Бор айбни уларга ташлаб, насихат қиламиз. Шу ўринда ўзимизнинг ҳам айбимиз нечоғлигини ҳеч ўйлаб кўрганми?

Абу Райхон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар"ида, "Ҳадис", "Ҳафтаном", "Таъбирнома" китоблари ва бир қатор илмий мақолаларда ҳафта давомидаги душанба, пайшанба, жума кунлари кутлуг кунларга, ҳафтанинг қолган кунларини эса — наҳс босган кунларга ажратилган.

Наҳс босган кунларда пайдо бўлган болалардан яхши болалар тугилмаслиги айтилган. Сешанба кунги болалардан хунхор бола тугилади дейилган. Беруний бу китобларида чоршанба кунини наҳс босган кунларнинг энг ёмони қаторига кўйишини таъкидлаган.

50-60-йилларда "Қизил Ўзбекистон", ("Ўзбекистон овози") рўзномасида хроника тарзида Ўзбекистон Астрономия институтининг "фалон ой, фалон кун, фалон соатда республикамизнинг у-бу вилоятларида ой ва кўёш тугилиши канча вақтгача давом этиши ҳақидаги маълумотлар бериб борилган. Бундай маълумотлар ота-оналар ва боғбонлар учун катта аҳамиятга эга бўлган.

Ой ва кўёш тугилган кунда ўтқазилган кўчат бир йил ҳосил бериб, бир йил бермайдиган бўлиши, яхши ҳосил қилган йили эса ҳосили етилай деганда, дув этиб тўкилиб кетиши кузатиш ҳол. Шунингдек, кўёш ёки ой тугилган кунда пайдо бўлган болалар ҳам ногирон тугилиши қадимий халқларнинг юз минг йилги синовларидан ўтиб айрилган хулосадир. Агар бола она қорнида кўёш ёки ой ёруғидаги яқинликдан сўнг пайдо бўлган бўлса, боланинг кўзи ожиз тугилади.

Биргина Фаргона вилоятидаги 16 махсус мактабларида 3600 нафар ногирон, ақлан

заиф, кўзи ожиз болалар таълим олаётир. 800 нафарга яқин кўзи ожиз болалар махсус мактабларга чақирилишини кутиб туришибди. Энди ҳалоллик тўғрисида бир ҳикоят келтирайлик.

**ҲИКОЯТ:** бир маҳалладаги муллага мурожаат қилишибди: — Домла, мана сиз барчамизга насихат қиласиз, адашганларга тўғри йўлни кўрсатиб, қимматли вақтингизни аямайсиз. Лекин ўз болангиз ҳамма билан уришади, ичади, чекади, оғзидан ёмон сўзлар тушмайди. Кеча фалончи билан уришаётганда орага ту-

## АҲЛОҚСИЗ БОЛАЛАР ҚАЧОН ТУГИЛАДИ?

шиб, зўрга ажратиб қўйдик...

Шунда мулла айтибди: — Тўғри, сизлар кўпчиликсизлар. Мен эса маҳаллада ёлғизман. Мени ҳамма қора кунда ҳам, ёруғда ҳам чақиривади. Ҳали у кишининг, ҳали бу кишининг дастурхони устида бўламан. Кимнинг дастурхонига қандай нон кўйилганидан бутунлай беҳабарман. Қайтаётганимда бир тунга иккита нон ва ширинликлардан кўшиб беришади. Болаларим нондан, невараларим — ширинликлардан баҳраманд бўлишади. Мен ана шу дастурхонлардаги нозунематларни ҳалол пешона тери билан топилган бўлишини жуда-жуда хоҳлайман. Ҳалол нарсани еб, улғайган фарзанд қаёқда-ю харом нарсани еб, улғайган фарзанд қаёқда! Агар менинг фарзандим ҳам ҳалол, пешона тери билан топилган нонни еганда борми, рисоладагидек фарзанд бўлишига шубҳа қилмасдим.

Ушбу ҳикоятга ота-оналар, маҳалла куйидагилар таянган ҳолда иш тутиб, ҳалолликнинг этагидан тутсалар — дунёга келадиган фарзандлари чиройли, хулқли, одоб-ахлоқли бўлишига ишонамиз.

**Дадажон АБДУРАҲМОНОВ,**  
Фаргона вилояти, ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳининг илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш кабинети мудир.



Қандай яхши агар иқтидорли бўлсанг! Ҳамма сенга ҳавас ва ҳурмат билан қарайди. Ота-онанг, ўқитувчиларинг ҳам бўлар-бўлмаста тергайверишмайди. Ҳатто сени Республика Президентини ёки бўлмаста Халқ таълими Вазирини кўл узатиб, табриклаши мумкин. Аъло ўқиганинг учун ҳар ойда оладиган 100 сўмлик нафақа, мактабни битириб, олий ўқув юртига кириш учун бериладиган имтиёзлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Фақат иқтидорли бўлсанг бас! Аммо иқтидорли бўлиш осонми?

## ИҚТИДОРЛИ БЎЛИШ МАЗА!

— Ҳамма гап шунда-да, — дейди Абдулазиз Азаматов завқлиб, биз билан бўлган суҳбатда. — Бунинг учун аввал менда турма қобилият бўлиши керак. Лекин биргина бу билан ҳам иш битмайди. Ўқиш ва яна ўқиш, яъни меҳнат қилиш, тинмай изланиш керак. Агар бу ҳаракатингни ота-онанг, ўқитувчиларинг қўллаб-қувватлашса, яна ҳам яхши.

Дарҳақиқат, шундай — иқтидорли бўлиш маза, аммо унинг ўзига хос машаққатлари ҳам бор. Буларни ўқиб-ўрганишга иштиёқманд болалар жуда яхши билишади.

Яқинда эса пойтахтдаги шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида Республика халқ таълими Вазирини муовини, Тошкент шаҳар ҳокимияти қўшидаги халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳамидулло Қаюмович Йўлдошев бир неча ана шундай қобилиятли ўқувчилар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашибди. Шунингдек, учрашувда шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи муовини Л. И. Пенчук, Сирғали туманидаги 300-лицей-мактаб директори Д. У. Абдуназарова, Тошкентдаги турк лицейи директори Фотих Бей ва бошқа ўртоқлар катнашдилар.

Вазир муовини болаларни ўқиш ва ўз қизиқишларида эришадиган ютуқлари билан табриклаб, уларнинг юртимиз фахри ва келажаги эканликларини таъкидлади. Шунингдек, иқтидорли болаларни Республика Халқ таълими Вазирлиғи ҳар томонлама қўллаб-қувватлашига ишонтирди. Учрашувга келган истеъдодли болалар эса ҳақиқатан мактовга арзигулик эдилар. Масалан, юқорида суҳбатдошимиз бўлган Абдулазиз Азаматов фанларни пухта ўзлаштира боргани боис 2-синфдан бирданига 5-синфга ўтказилган. Ҳозир у Чилонзор туманидаги 173-мактабнинг 6-синфиди ўқимокда. Яққасарой туманидаги 100-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Улғубек Жалолов физика-математика фанлари бўйича ўтказиладиган олимпиадаларнинг доимий голиби экан. Алишер Воҳидов эса "Компьютерленд" номли Америка корпорацияси ўтказган олимпиаданинг голиби бўлиб, Шайхонтахур туманидаги 180-мактабнинг фахри саналади. Илгари иштиёқманд бу ўқувчилар рўйхатини яна давом эттириш мумкин, улар 12 нафар эдилар.

Учрашув сўнггида шаҳар халқ таълими бош бошқармаси қошидаги "Хилол" ишлаб чиқариш бошқармасининг бош директори Қобил ака Юсупов иқтидорли болаларга ҳар ойда 100 сўмдан стипендия берилишини маълум қилди ва уларга биринчи стипендияларини эсдалик совгалари билан бирга топширди. Бу туҳфага жавоб тариқасида А. Икромов туманидаги 203-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилмурод Эгамбердиев мактабларда ЭХМлардан фойдаланиш учун қўлланма сифатида етук олимлар билан ҳамкорликда чиқарган китобини Вазир муовини Х. Қ. Йўлдошевга эсдалик учун топширди. Сўнг "Пахтаой" рақс дастаси ўз уйинлари билан учрашув катнашчилари кўнглини хушнуд этишди.

Ҳа, шундай — иқтидорли бўлиши маза!

**Суратда: учрашув катнашчилари.  
Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.**

## ТИЛ — БЕБАҲО ХАЗИНА

Бундан уч йил аввал қабул қилинган Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳақидаги Қонун жумхуриятимизнинг мустақиллиги сари ташланган биринчи қадамлардан бўлди. Ушбу қонун кучга киргач барча вилоятларда, айниқса, пойтахтда жуда катта, савобли ишлар амалга оширилди. Кўчалар, хибонлар номи ўзбекчалаштирилди, мактаблар миллий қаҳрамонларимиз, ватандошларимиз номлари билан ўзгартирилди. Шу йилнинг 21 октябрь куни ўзбек тилига давлат мақоми берилганига уч йил тўлиши республикамизда кенг нишонланди. Ҳамма қатори ўқувчилар ҳам мактабларда турли тадбирлар ўтказишди. Ана шундай тадбирлардан бири — "Ўзбек тили" кечаси пойтахтдаги 125-мактаба ўтказилди. Ўқувчилар бу кунга кўнглидагидай тайёргарчилик кўришган экан. Чунки улар намоиш этишган "Тил—бебаҳо

ҳазина" адабий-бадий кечаси миллий рақслар, куй ва кўшиқлар йиғилганларнинг барчасига манзур бўлди. Мактабдаги рус синфлари ҳам Ўзбек тилини жиддий ўрганишар экан. 7-"В", 5-"В", 3-"Б", 5-"Б" рус синф ўқувчилари ижросидаги шеър ва мақоллар, "Нон ёлғанда", "Наташа", "Булбулча" каби кўшиқлар кечага фойз киритди. Болалар уларни худди ўз она тилларидай тутилмай ўзбек тилида ижро этишди.

— Ўзбек тилини жиддий ўрганиш давр талаби бўлиб қолганини нафақат ўзбеклар, бошқа миллат вакиллари ҳам яхши тушуна бошлашди, — дейди кеча ташаббускорларидан бири, рус синфларига ўзбек тилидан дарс берувчи Мунира опа Бозорова. — Авваллари ўзбек тили 3-синфдан ўқитилган бўлса, ҳозир 1-синф ўқувчилари бу тилни ўрганишмоқда. Уларнинг қизиқишлари ҳам ёмон эмас. Мана ўзингиз гувоҳ бўлингиз.

Дарҳақиқат, шундай. Бу эса мустақил Ватанимизнинг янада юксалишига ҳиссадир.

**Д. СОДИҚОВА.**



## ИЖОДКОРЛАР МАСКАНИ

Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги Ҳамза номли ёш ижодкорлар уйи энг гавжум масканлардан саналади. Чунки, бу ерда турли йўналишдаги тугараклар талайгина, уларнинг аъзолари жуда кўпчилик. Ижодкорлар уйи қошидаги "Бинафша" ашула ва рақс дастаси 1988 йилда ташкил қилинган бўлиб, Идан Псинфгача бўлган 60 дан зиёд кизларни жамлаган. Тугарак раҳбари Тожихон опа Курбоновадан кўшиқ ижрочилиги, рақс тушишнинг нозик ҳаракатларини мукамал ўрганишга интилишадиган ансамбль аъзолари бир неча бор жумхурият, вилоят, туман "Санъат байрами" кўрик танловларининг голиблари бўлишди.

Бу даргоҳда фаолият кўрсатаётган "Бўғирсоқ" кўгирчоқ театри ҳам ўз ижрочиларига, ўз муҳлисларига эга. Мамлакат опа Мирзаматова устозлик қилаётган ёш актёрлар ижросидаги "Тулки ва қуён", "Зумрад ва Қиммат", "Қизил қалпоқча", "Эчки болалари ва

бўри" каби жажжи театрларни туманнинг турли бурчақларидан келган қуйи синф ўқувчилари, боғчалар, тарбияланувчилари зўр қизиқиш билан томоша қилишади, самимий олкишлашади. Томошалардан тушган пулларга эса театр жамоаси учун турли театрбоп кийимлар сотиб олишади, ролларни яхши ижро этган актёрларни мукофотлашади, қизиқарли саъхатлар уюштиришади.

Ёш ижодкорлар масканида болаларга ўзбек халқ этнографияси, турмуш тарзи, санъати тарихи билан

таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган тугаракка ўлжашунослик этнографияси билмидони Қосим ака Ёқубов раҳбарлик қилади. Тугарак қошида ташкил қилинган музей эжсонатлари эса унинг 60 дан зиёд аъзолари изланишларининг махсулидир.

**Суратларда: "Бинафша" ашула ва рақс дастасининг катнашчиси 5-синф ўқувчиси Нодира Алиматова рақсга тушганда катта-ю кичик завқ билан олкишлашади. Кўгирчоқлар тилга кирганда.**



## ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ — 85 ЁШДА

— ҚУДДУС бобо, аввало Сизни муборак ёшингиз билан қутлаймиз. Сизга соғлиқ, вақти чоғлиқ тилаймиз.

— Раҳмат...

— Муштарийларимизга болалигингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Марҳум отам Муҳаммад Алибек адабиётга жуда ҳавасманд эдилар. Болалик кезларимда мени ёнларига олиб, Навоий, Бедил, Хувайдо китобларини ўқиб берардилар. Сўнг эски мактабга ўқишга бердилар.

Отам марҳум бўлгач, мактаб-интернатда тарбияланганман.

— Мана, сиз ярим асрдан бери ижод қилиб келасиз. Қатор-қатор китобларингиз нашр этилган, асарларингиз ўқувчиларнинг адабий мулкига айланган. Шеърларингизнинг яратилиш тарихи бизни қизиқтиради...

— Аввало, мен хонада

болаларнинг “Хамса”си дейиш мумкин. Бу асар табиатни ўрганишда, дов-дарахтларни парваришда, жону жондорларни севишда болаларга ардоқли қўлланма бўлса дейман. Менинг шу ёшга кириб, боладай диконглаб юришимнинг туб сабабини сўрасангиз, доим табиатга яқинлигим, табиийликка интилганимдир...

— Тахририятимизга ҳар кунини ёш қаламкашлардан кўплаб шеърлар келади. “Шоир бўлиш учун нима қилиш керак?” деб маслаҳатлар сўрашади.

— Фарзандларимизнинг шеър ёзишга қизиқишлари — бу табиий. Уларнинг учқур хаёллари чор уфқни кучгудай. Ёш кўнгиллари юрт меҳри-муҳаббати билан тўлиб тошган, чаман очган. Орзу-истаклари бир олам.

Шеър ёзиш эса ана шу орзуларнинг гунча очиши,



ўтириб, “энди нимани ёзсам экан-а?” деб ўйлаб шеър ёзмайман. Ҳар бир асарим ҳаёт тақозаси билан яратилади. Масалан: “Темирлар ўйини” шеърим “Гунча” буюртмаси билан, “Мусичалар нега уришади?” эса Ёдгор бахшининг саволига жавоб тариқасида яратилган... Ўқувчилар доим менга мавзу, илҳом беришади.

— Қуддус бобо, нега қушлар тўғрисида жуда кўп шеърлар ёзгансиз?

— Мен болалик кезларимда жуда шўх эдим. Чувалачи қишлоғимиздаги энг баланд Кўнғироқ тепага чиқиб, болалар билан халала-қамтув ўйнашиб, ёшвон ўтнинг остига бекинардик. Мен, айниқса, қушларга кун бермасдим. У пайтларни эслаб, энди ўз-ўзимдан уяламан. Шеърлар ёзиб, уларни эркаласам, мақтасам дейман. Ҳар йили айвонимиз шифтига ин қуриб, учирма бўлган қалдирғочларни кўрганда беҳад қувонаман.

— “Табиат алифбеси” ҳақида сўзлаб берсангиз.

— “Табиат алифбеси” беш китобдан иборат бўлиб, уни

куртаклаб, япроқ ёзишидир.

Шеър бу юрак гули, тилак гули! Шоир — одам .булбули! Шеър — оламнинг, одамнинг жон озиғи!

Шеър зехн лойидан, қалбимизнинг меҳр мойидан пайдо бўлади. Шоир бўламан деган билан шоирлик осонликча қўлга кирмайди. Бунинг учун тинимсиз меҳнату она юртни севиш керак.

— Қуддус бобо, сиз ҳозирги болаларнинг қандай бўлишини истардингиз?

— Мен тез-тез мактабларга бориб, болалар билан учрашиб тураман. Болалар — мустақил Ўзбекистонимизнинг эртаси, ҳаётимизнинг шодлик-қувончи, тоғдай умидимиз. Болалик — баҳорлик демак. Одам баҳорлигидан — болалигидан фан сирларини эгаллаши, ҳунар ўрганиши, илми булоқдай ши-мириши керак. Улар инсоннинг ақл, нақл мевасининг дур-қиёми — китобни севишлар. Уларга ўқиш ва ишларида ютуқлар тилайман.

Сухбатдош Рауф ТОЛИБ.

МАТЕМАТИКА СИРТҚИ  
МАКТАБИГА МАРҲАМАТ!


Болалар! Эсингизда бўлса, ҳар йили куз ойларида газетамиз саҳифаларида математика сиртқи мактабининг топшириқларини эълон қиламиз. Ундаги топшириқларни аъло бажариб бораётган математика ишқибозлари сиртқи мактабининг афзаллик томонларини яхши билишади. Шу сабаб ҳам Тошкент Давлат Дорилфунуни математика куллиёти қошида ташкил этилган математика сиртқи мактабининг топшириқларини бу йил ҳам эълон қилиб, унга навбатдаги қабул бошланганлигидан сизларни огоҳ этмоқчимиз. Қани, кучингизни бир синаб кўринг.

МАТЕМАТИКА СИРТҚИ МАКТАБИГА КИРИШ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Қандай натурал  $n$  ларда  $n^2 - 1$  ифода туб сон бўлади?
2. 0 дан 9 гача бўлган рақамларни шундай тартибда ёзингки, ихтиёрий иккита кетма-кет келган рақамдан иборат бўлган сон 7 ёки 13 га бўлинсин.
3. Қуйидаги тенгсизлик ўринлими?  
 $\frac{1}{5} + \frac{1}{6} + \dots + \frac{1}{17} > 1$
4. Қуйидаги тенгламанинг натурал сонлар тўпламидаги ечимларини топинг.  $\frac{1}{x^2} + \frac{1}{y^2} = \frac{1}{z^2} + \frac{1}{t^2} = \frac{4}{xz} + \frac{1}{yt^2}$
5. Ихтиёрий учбурчакда энг кичик баландликнинг энг кичик биссектрисага нисбати  $2/2$  дан катталигини исботланг.  
Ушбу қабул топширигини яхши бажарган 9-синф ўқувчилари МСМга қабул қилинадилар. Ўқиш сиртдан, бепул, 3 йил давомида олиб борилади. Учинчи йилнинг охирида ўқувчиларга сиртқи мактабни тамомлаганлигини тўғрисидаги гувоҳнома берилади.  
Топшириқларга жавоб ёзилган мактубларни қуйидаги адресга 20 ноябргача юборинг: 700095, Тошкент-95, ТошДД, математика факультети, МСМга.

Азиз қизалогимиз Нодирахон!  
Туғилган кунинг муборак бўлсин. Сенга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилаб: Даданг, ойинг Хурриятхон, аммаларинг.

Тошкент шаҳри.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЯЛАРИ!  
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА  
ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

## АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАРИ!

Рўзнома ва ойнамаларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хагосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.


Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазди.



Кенжатој ўғлимиз Сарваржон! Сени 6 ёшинг билан самимий қутлаймиз. Сенга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Ҳамиша қувноқ ва шодон юрган.

Раҳматовлар оиласи.  
Наманган вилояти, Поп тумани,  
Санг қишлоғи.



Суюкли фарзандларимиз Иродахон, Нигорахонлари туғилган кунлари билан самимий қутлаймиз. Ўқиш ва ишларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Омад ҳамиша сизга кулиб боқсин!

Эзгу ниятлар тилаб: даданг, аянг ва бувижонинг.

Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани.

Табриклаймиз!






**УЙҒОНИШ**

Май тонгининг оппоқ кўйида,  
Тебранади ошuftа нихол.  
Новдасида терак бир гунча,  
Юзларида мисли зардек хол.  
Теграсида ажиб бир жоду  
Бошин эккан машриқ томонга.  
Неларнидир интизор кутар,  
Талпинади қараб ҳар енга.  
Тоғнинг орти еришар аста,  
Мовий бўлсин осмоннинг багри  
Кўкнинг багрин тилаб бир зумда,  
Кўринди ок қуеш нурлари.  
Бобо қуеш эркалаб нурин,  
Япроқлару шабнамга сочди.  
Гўзал гунча титради секин,  
Ва илк бора гунчасин очди.

Самар Жўраев,

Жумҳурият нафис санъат мактабининг 10-синф ўқувчиси.



**Шоирлар — болаларга**

Қадрли болалар!  
Абдурахмон Акбар ўзининг "Кичкинтой ва пахтаой", "Сўзловчи ёмғир", "Эҳтиёткор тошбақа" номли китоблар билан сизларга яхши таниш. Бу изланувчан шоирнинг деярли барча шеърлари сиз ҳақингизда. Яқинда Абдурахмон Акбар "Шоир дадам ҳақида шеърӣ ҳикоялар" деб номланган туркумига охириги нуқтани қўйди.

Унинг бу шеърӣ ҳикояларида "тайёр" фикрлар йўқ, балки бир фикрни теранроқ идрок қилдириш истағи устивордир. Шу боисан бу туркумга кирган машқлардан эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Дарвоқе, муаллиф ушбу асарлар қалам ҳақини рўзномамиз жамғармаси ҳисобига ўтказишимизни илтимос қилди.

Абдурахмон АКБАР,  
Усмон Носир мукофоти совриндори

Азим тути бўлган бу уйнинг кўчага қараган бетиди. Одамлар-да доим серқатнов йўлакчанинг шундоқ четиди, бўлар экан мўъжаз супача. Унга шолча, кўрпача солиб, аммажоним ўтирарканлар саломларга алик олиб. Чўккаларкан дадам ҳам баъзан (кўпроқ ишдан уйга қайтган дам). Болаларингнинг оғзи тегсин, — деб тут тутаркан сўрашиб аммам. Ҳаёт ҳаёт эканда қаранг, аммамиз ҳам фурсати етиб ўтибдилар ёруғ дунедан уруғларин дилин еш этиб. Учиди ҳам, еттисида ҳам, қиркида ҳам, ҳатто йилида супачага ўтириб дадам, руҳин ёд

**1. ДАДАМНИНГ ҚАЛБИ**

Армон уясимиш дадамнинг қалби. Дадамнинг қалбиди кулармиш севинч. Дадамнинг қалбиди уммон бор эмиш, бор эмиш дадамнинг қалбиди илинж. Ёзган уч-тўрт шеърӣ дадам қалбининг топган қувончи-ю, озори эмиш. Дадамнинг юрағи дунё кўрмаган сонсиз фикрларнинг мозори эмиш...

**2. ДАДАМНИНГ ФИКРИ**

Базмга борса бас, дадам ҳар сафар уйга қайтар миниб жahl

**Шоир дадам ҳақида шеърӣ ҳикоялар**

отиға:

Онаси, кўнглинға олма-ю баъзан ҳеч қойил қолмайман аёл зотига. Даврани киздирди бугун ҳам бири, ажратолмай қолдим мен мастми, у маст. Қилиқлари дегин бирам беўхшов, уйнаб уйнамай-ди, сакраб сакрамас. Ёши ҳам ўн бешда бўлса керагов, қаердан билдингиз

дейсанми бунӣ? Учрашув ўтказган қай бир мактабда, кўргандек бўлудим қайси бир куни. Бунақа хонаки "санъаткор"лардаимондоим қаҳат, андиша абас. Уларнинг кўзига боқиб ўқийман азалдан биргина "Пул" сўзин фақат. Ёзиб бўларканми кўзларга ёзув? Дадам ҳам лофчи-да деган бир уйда. "Лазғи"та эшилиб рақс тушаётган икки ўйинчини кузатдим тўйда. Ўйинини кузатдим орқа, олдидан, узоқдан, яқиндан хулласи роса, кўзларига тикиб синчков кўзларим, ниҳоят чиқардим шундай хулоса: "Пул" деган ёзувни ўқимасам-да, бир оз тўғри чиқди дадамнинг сўзи. Одамга бошқача қараркан улар, бошқача куларкан уларнинг кўзи...

айлабди дилида. Қайси бир кун разм солсалар, девор ёни эмиш теп-текис. Одамлар ҳам сезмасмиш ажаб, супачадан қолмаганмиш из. Бир неча кун фаромуш бўлиб, жой тополмай кўярга ўзин, тилларидан кўймади дадам "Фосиқ" сўзин, "сўпача" сўзин. Фосиқлик ҳам асли гам экан, ташрифи тез экан бу гамнинг: ўз боласи бузиб ташлабди, супасин Ойгул аммаминг!

**5. ДАДАМНИНГ ҲАЗИЛИ**

Меҳмон келиб, қолишин таъкидлаб дадам, жўнаб кетди ишига шошиб субҳидам. Бир оздан сўнг опам ҳам тушдилар йўлга: — У-бу нарса оларман илинса қўлга. Барно деди пешбандин эғнига тутиб: — Бу аҳволда меҳмонни бўлмайди кутиб. Ҳовлига бир қаранглар, уйга бир қаранг. Алғов-далғов ҳаммаёқ, ҳаммаёқ кир-чанг. Юлдузхон, сен айвонни чангин артиб чиқ. Обдастага сув тўлдир, ҳозирла сочиқ. Ўтинлардан қалаб қўй тандирга, Омон. Ҳадемайин ёпамиз биргалашиб нон. Қўйларингга, Баҳодир, қараб тур, қараб. Уялтириб қўймасин басма-бас маъраб...

Хуллас, уйга қайтгунча опам ва дадам, юмушларни битказиб бўлдик хотиржам. Бу орада ўн кулоч ерни ҳам чопдик. Ошхонани оқлашга фурсат ҳам топдик. Катта уйга ёздик сўнг катта дастурхон. Аммо... ажаб келмади биз кутган меҳмон. Ҳайрон эдик бу ҳолга, тополмасдик сўз. Қувонтира олмасди дастурхон ҳам кўз. Уйга бошлаб кираман меҳмонни шодон, дея чиқди кўчага икки бор Омон. Бир пайт қаттиқ кулвориб, дадамлар ногоҳ, ҳамма "сир"дан бизларни этдилар огоҳ: — Билгим келди жудаям, қодирсиз нега. Қолмас экан қувондим, уйим беэга. Ёлғонимни сираям олманглар оғир. Раҳмат, Юлдузой қизим, раҳмат, Баҳодир. Қани, ошга қаранглар, ўтирманглар жим. Бугун "меҳмон" ўзимман, БОЛАЖОНЛАРИМ.

**3. АРИ**

Девор буздик дадам иккимиз, неча фасл ёғиб ёмғир, қор, неча дафъа қолиб қаровсиз, нураб, чўкиб қолганди девор. Ўша девор бузган кунимиз ҳаво салқин, гоят тунд эди. Устки паҳса кулагач дадам: — Ўғлим, қара арилар, — деди. Сўнаётган гулхан чўғларин сочгандайин шамол ҳар томон, ини шикаст топган арилар учишарди визиллаб нолон. — Эҳтиёт бўл! — деди-ю, дадам уйга чопди тўхтатиб ишин. Аммо санчиб улгурган эди тирсагимга бир ари нишин. Кўкда қовоқ уйган булутлар шу пайт совуқ томчи ташлашди. Назаримда уйсиз арилар худди мендек "Йиглай бошлади". Гоҳ деворни, гоҳ инларини тимирсклаб (эҳтимол кучиб) аламзада арилар охир қайларгадир кетдилар учиб... Осон кечди кейин ишимиз оғриқни ҳам унутдим тамом. Жазосини олган аридек "таслим" бўлди девор батамом. Иш тугаркан камзулин ечиб, таскин берган бўлдилар дадам: — Таланганман сендаклигимда бундан катта ариларга ҳам. Дадам яна алланималар деб, сурар экан инни нарига. Менинг жоним оғрий бошлади қўлим чақиб ўлган арига...

**4. СУПАЧА**

Ф. СП-1

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»  
№ ТОНГ ЮДУЗИ " 64563  
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сонӣ

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

рўзномани ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64563

п.в. жойи

(нашр кўрсаткичи)

№ ТОНГ ЮДУЗИ "

(нашр номи)

обуна баҳоси сўм обуна сонӣ

янги ман-вилга юбориш баҳоси сўм

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)


(манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Бир йилга — 96 сўм  
Олти ойга — 48 сўм  
Уч ойга — 24 сўм  
Бир ойга — 8 сўм  
Нашр кўрсаткичи — 64563

Обуна баҳоси:



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРДОВ.

Таҳрир ҳайъати:  
Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ, М. ПИРМАТОВ  
(масъул котиб), М. РАҲИМБЕРДИЕВА,  
Д. ТУРАХМЕТОВА, В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Таъсис этувчи:  
ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:  
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,  
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.  
Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй  
Чоп этиш вақти — 18.00.  
Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.